O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Nurobod tumani
**H O K I M I**
**Q A R O R I**

**Р Е Ш Е Н И Е**
**Х О К И М А**
Нурабадского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

141100, Nurobod shaxri, Mustaqillik ko'chasi 2-uy.
Tel:633-16-34, Fax:231-98-81, nurobod@samarkand.uz

141100, г. Нурабад, ул. Мустакиллик, 2
Тел:633-16-34, Факс: 231-98-81,

2017 йил «7» сентябрь № 309

**Манзилли дастур асосида қурилиши режалаштирилган савдо дўкони ва маиший хизмат кўрсатиш биноларини қуриш учун ер майдони танлаб ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси "Шаҳарсозлик кодекси"нинг 20-моддаси, "Ер кодекси"нинг 6,26-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли "Шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширишда ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эхтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида 2017 йил 23 июндаги "Қишлоққурилишлойиҳа" МЧЖ билан келишилган №822/07-сонли келишув хатини, Самарқанд вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2017 йил 29 майдаги №1460-сонли экологик экспертиза хулосасини, Нуробод тумани Нурбулоқ маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Кенжаев Азизбек томонидан Нуробод тумани Нурбулоқ маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан туман ҳокимлиги захирасида бўлган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан 0.04 гектар ер майдонига савдо дўкони ва маиший хизмат кўрсатиш биноларини қуриш учун ер майдонини танлаб ажратиш тўғрисида қарор чиқариб беришни сўраб ёзган аризаси ҳамда туман ҳокимининг 2011 йил 18 августдаги №81-Ф сонли фармойишига асосан тузилган ер участкасини танлаш бўйича ишчи комиссиясининг 2017 йил 21 августдаги далолатномасини кўриб чиқиб,

**Қ А Р О Р   Қ И Л А М А Н:**

1. Нуробод тумани Нурбулоқ маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Кенжаев Азизбекга Нуробод тумани Нурбулоқ маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан туман ҳокимлиги захирасида бўлган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 0,04 гектар ер майдонига савдо дўкони ва маиший хизмат кўрсатиш биноларини қуриш учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисидаги ишчи комиссиясининг 2017 йил 21 августдаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фукаро Кенжаев Азизбекга қуйидаги вазифалар юклатилсин:

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли қарорида кўрсатилган муддат ва талаби асосида АРТ (архитектура режалаштириш топшириғи) ҳамда лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш

-вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорат инспекциясидан қурилишни амалга оширишга рухсат олиб, қурилиш ишларини уч йил муддат ичида тугатиш;

-қурилган бино атрофида экологик ҳолатни саклаш ҳамда ободончилик ишларини олиб бориш;

-тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилишни амалга ошириш;

-қурилиш ишлари тугаши билан бинони фойдаланишга рухсат бериш учун туман ҳокимлигига мурожаат қилиш;

3. Туман бош архитектори (Ж.Абдуллаев)га фукаро Кенжаев Азизбек томонидан тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишларини амалга оширилишини назорат қилиш топширилсин.

4. Ер участкасини натўрага кўчириш ишларини "Ўз ГАШКЛИТИ" ДУК нинг вилоятдаги ваколатхонаси билан биргаликда амалга ошириш туман бош архитектори (Ж.Абдуллаев) ва туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ф.Эргашев)лар зиммасига юклатилсин.

5. Туман "Ермулккадастр" давлат корхонаси (Ж.Джиянов)га фукаро Кенжаев Азизбекга ажратилган ер майдонини белгиланган тартибда икки кун муддатда давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.

6. Фукаро Кенжаев Азизбек томонидан уч йил муддат ичида тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишлари амалга оширилмаса, ушбу қарор ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Туман ҳокими** DEVONXONA **Ф.Заиров**